



Ishonch

МОХИЯТ
 Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик — аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғиндир.
 Ислол КАРИМОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақриув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.
2. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақриуви резервиге олинсин.
3. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2011 йилнинг март-апрел ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
 Тошкент шаҳри, 2010 йил 22 декабр

Фарзандлар камоли, ватан истиқболи йўлида яқдилмиз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V курултойи ҳақида ахборот

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойида жамоат ташкилотининг 2006-2010 йиллар давомидаги фаолияти сарҳисоб қилинди ҳамда соҳа ходимларининг келгусидаги вазифалари муҳокама этилди. Курултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Унда сўз олган ЎзКУФК раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров, авваламбор, ўтган даврда амалга оширилган ишларга назар ташлаш, фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликларни очик-ойдин кўрсатиш, келгусидаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш ҳар қандай жамият ривожига муҳим омиллардан эканига эътибор қаратди. Эътироф этиш жоиз, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган 19 йилдан зиёд вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юксалишлар кўзга ташланди. Шу даврда ялпи ички маҳсулот 3,5 баравар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди. Уртача иш ҳақи 14 баравар ошди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди. Ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлар муттасил ошиб бораётгани натижасида эркакларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларники 75 ёшгача ошди. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирига қарамай, иқтисодий-иқтисодий барқарор ўсиш суръати таъминланмоқда. Бунда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимизни босқичма-босқич ҳамда изчиллик билан амалга оширилиши муҳим омил бўлмоқда. Ушбу жараёнда, шубҳасиз, энг оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.



Иқром ХАСАНОВ олган сурат

Маърузада қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Президентимиз Ислол Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, амалдаги мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат ташкилотлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш ва мустақамлаш масалаларига тўхталиб ўтган эди. Ўртбошимизнинг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуниларни қабул қилиш ҳақидаги фикри нодавлат нотижорат ташкилотларига берилаётган эътиборнинг яққол намунаси десак, янглишмаган бўламиз.

— Тўртинчи Курултойдан кейинги даврда ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни амалиётга татбиқ этиш ва тақомиллаштириш ишлари Федерация кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келди, — деди Нормамат Аллаёров. — Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида касаба уюшма фаоллари билан долзарб муаммолар бўйича фикр алмашувларини ўтказиш аъёнаси, Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси ва Сенати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор бошқа жа-

моат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик давом эттирилди.

Ҳозирда республика миқёсида 81 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишуви амал қилмоқда.

Шунингдек, иқтисодийнинг реал секторига тармоқ келишувларидан тариф келишувларига ўтиш чоралари кўрилоқда. Маърузада 2005 йилда республикада битта тариф келишуви амал қилган бўлса, 2010 йилга келиб 12 тага етгани таъкидланди. Айниқса, жамоа шартномаларини тузган юридик шахслар улуши 2005 йилдаги 83,1 фоиздан 2009 йилга келиб 87,9 фоизгача кўтарилиб, ишловчи касаба уюшма аъзоларининг 92 фоизи жамоа шартномалари билан қамраб олингани диққатга сазовор. Умуман, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни амалиётга татбиқ этиш ва тақомиллаштириш касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлди. Иш берувчилар билан жамоа музокараларини олиб бориш натижасида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, юқориқоқ ижтимоий стандартлар ўрнатилишига қаратилган чоралар қабул қилиниши натижасида ҳар йили касаба уюшма аъзоларининг 50 фоизи асосий ўзайтирилган, 40 фоизи эса қўшимча таътиллاردан фойдаланмоқда. Жамоа шартномасидаги тадбирларни бажариш учун ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ 2009 йилда 314 минг сўмни ташкил этди, яъни 2005 йилга нисбатан 3,8 бараварга ортди.

Маърузада фуқароларнинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиниш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қўмаклашиш йўналишида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан қабул қилинган қўшма тадбирлар режасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жумладан, 2005-2009 йилларда 1 млн. нафардан кўп ходимлар ишдан бўшатилиши, 9490 та тугатилган корхоналар ходимларига моддий маҳалл чоралари ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик ундирилиши жараёни назоратга олинди.

Хисобот даврида энг кам иш ҳақи 13 марта қайта кўриб чиқилиб, миқдори 7,5 баравар кўтарилди, шунингдек, қатор тармоқларда тариф сеткаларининг нолиний разряди ставкасининг кўтариллиши, бюджетдан маблағ билан таъминланган тармоқлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткалари ва рағбатлантириш тизимлари жорий этилиши натижасида нафақат номинал, балки реал иш ҳақининг ҳам барқарор ўсиши кузатилди.

Иш ҳақидан муддатга ўтган қарздорликни тугатиш мақсадида касаба уюшма органлари томонидан хисобот даврида иш берувчилар олдида 6 мингта яқин расмий талабномалар киритилди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва банкларга 2 мингдан ортиқ мурожаатлар қилинди, шунингдек, давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига 142, прокуратура органларига 241 марта мурожаат қилинди, судларга 127 та даъво аризалари киритилди. Натижада, 5,5 йил мобайнида 140,4 млрд. сўм

тўланмаган иш ҳақи ўз вақтида ундирилди.

Яна бир муҳим жиҳати, ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида жамоа келишуви ва шартномалари орқали 3 млн. 264 минг фуқарога, жумладан, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган ва ёш оилаларга касаба уюшмалари ва иш берувчилар маблағидан 86,5 млрд. сўмлик ижтимоий кўмак чоралари қўлланилди.

Хисобот даврида касаба уюшма органларининг меҳнат муҳофазаси масалаларида жамоат назоратини олиб бориш фаолияти ҳам анча кучайтирилди.

— Федерация тизимидаги меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар томонидан йилга ўрта ҳисобда 6 мингдан зиёд корхона ва ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини ўрганиш йўлга қўйилди. Меҳнат муҳофазасига оид 106 та меъёрий ҳужжат лойиҳалари экспертизадан ўтказилиб, улар уюшадан тегишли хулосалар берилди, — деди маърузачи.

Давлатимиз раҳбари Ислол Каримов: «Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишидан бири бу — қонуни устуворлиги ва қонунийликни мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада тақомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий оғли ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда» дея таъкидлаган эди.

(Давоми 2-бетда)

Юзмага-юз

Жиззах шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси депутатлари М.Нишонов ва ҳамда О.Мамараҳимовларнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

жи ҳамда Хишрав шаҳарчасидаги Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги коллежида Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси

Халқ ичига борайлик

Унда шаҳар ҳокими ўринбосарлари, вилоят, шаҳар кенгаши депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, барча бўлим ва бошқармалар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, тиббиёт бirlашмалари ва халқ таълими бўлимига қарашли муассаса раҳбарлари, МФЙ раислари ва фаоллари қатнашдилар.

Ийгилишни шаҳар ҳокими А.Қобилов очиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, 2010 йилнинг декабрида депутатлар сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари ўтказилаётгани ҳақида тўхтади.

Депутат М.Нишонов Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетни тўғрисида батафсил сўз юритди.

Шундан сўнг депутат О.Мамараҳимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Б.Мамажонов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган «Ҳаракат Дастури» тўғрисида ва Парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, янги ишлаб чиқарилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, келгуси вазифалар ҳақида батафсил тўхтадилар.

Сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

депутати, ЎзЛДП фракцияси аъзоси Адҳам Шодмонов сайловчилар билан учрашди.

Депутат Президентимизнинг Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисида қилган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, кишиларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириши, шунингдек, қонунларни ишлаб чиқиш жараёнлари ҳусусида фикр юритди.

Жонли мулоқот савол-жавоб, баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Самарқанд шаҳридаги темир йўллари транспорт касб-ҳунар колле-

Уз мухбирларимиз

Тадбир

Соғлиқ учун ҳамкорлик

«ЮНФПА»нинг қандай ташкилот эканлигини ҳамма ҳам билвермас керак. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик бўйича жамғармасидир. Асосий вазифаси — дунё халқларининг репродуктив саломатлигини тиклаш, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш каби талай эзгу ишларни амалга оширишдан иборат.

Маъмур халқаро ташкилот Ўзбекистонда 1993 йилдан бошлаб фаолият юритаяпти. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда асосий тиббий муассасаларнинг репродуктив ва оналик саломатлиги бўйича кўрсатаётган саноат-харакатларида яқиндан қўмақдош. Айни пайтда жамғарма мамлакатдаги контрацепция воситаларининг энг йирик донори саналади.

Шунингдек, унинг миллий даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда зарур бўладиган демографик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда жорий демографик тенденцияларни тушунтиришда ҳам муайян ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «ЮНФПА», республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда матбуот — брифинг ўтказди.

Жамғарма ходими Азиза Асқарова амалга оширилган ишлар ҳусусида атрофлича маълумот берди.

— Маърузада босиб ўтилган йўл ва бажарилган ишлар тўғрисида қўлаб мисоллар келтирилди, — деди «ЮНФПА» вакили Карл Кулесса. — Нафсиллабирини айтадиган бўлсак, аёллар гарчи урушларда камдан-кам ҳолларда бевосита иштирок этишса-

да, унинг ситамларидан энг кўп захмат чекадилар. Жалолобод, Ўш воқеасида ҳам шу ҳол кузатилди.

— Уша суронли, беҳаловат кунлар кўнгил кўзгумиздан сира ўчмайди, — деди Андижондаги «Меҳримиз сизга» аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Холди Мирзараҳимова. — Жабрийда қонқоқларни бағримизга олдик. Очикқўнгил ва саховатли халқимиз яна бир бор ўзини кўрсатди.

Маъруза юзасидан республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Дилфуза Ҳасанова, «ЮНФПА»нинг ижрочи вакили Фуад Алиев, «ЮНФПА» ходими Феруза Фозилова ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Фарзандлар камоли, ватан истиқболи йўлида яқдилмиз

(Боши 1-бетда)

Шу нукта назардан, маърузада айтилганидек, ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан 23 та қонун лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 22 та қарори лойиҳасига ҳамда 24 та идоравий ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар буйича вазирлик ва идораларга тегишли таклифлар киритилди. Барча ҳудудий бирлашмалар қоидада юридик маслаҳатхона ташкил этилиб, фуқаролардан тушган 23.552 та арза ва шикоятнинг 20.652 таси, ёки 88 фоизи ижобий ҳал этилди.

Шу билан бирга, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида 275 та ҳолатда судларга даъво аризалари киритилиб, 190 та, мансабдор шахсларга 1657 та қонун бузилишлари ҳақида тақдирномалар киритилиб, 1416 таси қаноатлантирилиб, шунча фуқаронинг қонуний ҳуқуқи касаба уюшмалари томонидан ҳимоя қилинди.

Шу ўринда меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ўртасида миллий гофия тарихи эшити масаласи касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлиб, қатор маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Республика касаба уюшмалари ва унга аъзо ташкилотлар томонидан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним мағиш» талови, «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали ва кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

Федерация кенгаши томонидан 30 та жамоага «Халқ бадийи ҳаваскорлик жамоаси», 23 та жамоага «Намунали бадийи жамоа», 6 та жамоага «Халқ ҳаваскорлик студияси» номлари берилди.

Ўтган даврда касаба уюшмалари тизимидаги 65 та маданий маканида ўтказилган тадбирларда 10 миллионга яқин ишчи-ҳодим ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, 70 минг нафар илгор ишчи ва ҳодим, талаба ва ўқувчиларнинг мамлакатимиз тарихий шахарларига саёҳатлари уюштирилди. Давлат дастурлари доирасида, байрамлар атрафисидан эрдამга муҳтож бўлганларга

6 млрд. 775 млн. сўмлик моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди, 700 нафар иқтидорли талаба ва ўқувчи учун 169,4 млн. сўмлик касаба уюшмаларининг устама стипендиялари таъсис этилди, — деди Нормамат Аллаёров. — Бундан ташқари, келажак авлоднинг жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга касаба уюшмалари томонидан алоҳида эътибор қаратилган. Барча турдаги оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 1 млн. 222 миңдан зиёд фарзанди, жумладан, 22 миңдан зиёд Оролбўйи болалари, 18 миңга яқин «Меҳрибонлик» уйи ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари бепул, 240 миңга яқин кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар фарзандлари импёзели равишда соғломлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалар органилари томонидан 2006-2010 йилларда ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун 93 млрд. 35 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан 658 миңга яқин ҳодим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Давола-нувчиларга замон талабига жавоб берадиган шариот яратиб мақсадида санаторийларда қулай шариотга эга 1-2 ўриндан иборат ҳамда жаҳон андозаларига мос «оилавий» ва «люкс» хоналар ташкил этилмоқда.

Айниқса, ўтган беш йилда касаба уюшмалари спортчилари халқаро мусобақаларда 739 та совринли ўринни эгаллагани барчамизда фахр ҳиссини уйғотди. Ҳисобот даврида Республика буйича 5964 нафар биринчи разрядли, 1761 нафар спорт усталигига номзод, 386 нафар спорт усталари, 63 нафар халқаро тоифадаги спортчиларни тайёрлашга эришилди. Биргина мисол, жорий йилнинг август ойида Польшанинг Познан шаҳрида байдарка ва қано-зда эшак ашиш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ва-дим Меньков олтин медални кўлга киритиб, икки карра жаҳон чемпиони деган фахрли унвонга сазовор бўлди ва у Халқаро Каноз федерацияси томонидан

«Йилнинг энг кучли қанозчиси» деб эълон қилинди.

Эътироф этилдики, касаба уюшма бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш соҳасида бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Устав талабларига кўра ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида 2006-2010 йилларда Марғилон шаҳрида «Ёшлик» ёпиқ сув ҳавзаси кури-бор қаратилган. Барча турдаги оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 1 млн. 222 миңдан зиёд фарзанди, жумладан, 22 миңдан зиёд Оролбўйи болалари, 18 миңга яқин «Меҳрибонлик» уйи ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари бепул, 240 миңга яқин кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар фарзандлари импёзели равишда соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, 250 ўринли «Шабода» болалар соғломлашти-риш оромгоҳини қайта қуриш учун 2,5 млрд. сўм ажратиб ре-жалаштирилди. Худудий бирлаш-малар биноларини қайта рекон-струкция қилиш, таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустақ-камлаш ишларига эса 3 млрд. 265 млн. сўм йўналтирилди.

Барча соҳаларда бўлгани каби Ўзбекистон касаба уюшма-ларининг халқаро фаолияти Хал-қаро Меҳнат Ташкилоти, касаба уюшмалари Халқаро Конфедерацияси ва бошқа халқаро ташки-лотлар, халқаро касаба уюшма-лари бирлашмалари, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг мил-лий касаба уюшмалари марказ-лари билан алоқаларини мустақ-камлашга қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-ги киритиб, икки карра жаҳон чемпиони деган фахрли унвон-га сазовор бўлди ва у Халқаро Каноз федерацияси томонидан

Осиё қитъасидаги ривожланган Хитой, Япония ва Жанубий Ко-рея каби давлатлар касаба уюш-малари ташкилотлари билан до-имий алоқалар ўрнатди. Ушбу давлатлар касаба уюшмалари марказлари билан тажриба ал-машиш мақсадида Халқаро ка-саба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорликда турли мавзу-ларда халқаро анжуманлар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Бу эса, халқаро фа-олиятда меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаати ва эътижини ҳимоя қилишда сезиларли ютуқ-ларга эришган чет эл касаба уюшмалари органилари билан тажриба алмашиш ҳамда мамлакатимизда тарғибот қилиш имконини беради.

— Федерация кенгаши то-монидан касаба уюшмалари сафини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш ишлари ҳам да-вом эттирилди, — деди раис ўринбосари. — Сўнгги икки йилда аъзолар сонининг кўпайишга эришилди. Айниқ-са, нодавлат секторида 2007 йилдан шу кунга қадар 6569 та янги касаба уюшма ташки-лоти тузилди, 288.952 нафар ҳодим касаба уюшма аъзолари-га жалб этилди. Ушбу фао-лиятни янада жадаллаштириш мақсадида Федерация кенга-ши томонидан касаба уюшма-лари кадрларини тайёрлаш, салоҳиятини аниқлаш, уларни жой-жойига қўйиш соҳасида ижобий ишлар амалга оши-рилди.

ЎзҚУФ раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров ўтган дав-рдани самарали фаолиятни тах-лиқ этар экан, соҳалардаги мав-жуд ва ечимини кутатган муам-молар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг, ЎзҚУФ Назо-рат-тафтиш комиссияси раиси Шавкат Ибрагимовнинг ҳисоб-ти тингланди.

Курултойда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотла-ри бирлашмаси кенгаши раиси Соғиндик Ниетуллаев, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-за қилиш вазири Ақтам Ҳайтов,

Қарши Давлат университети та-лабаси, Президент стипендияси соҳиби Нилуфар Аббосқонова, Хоразм вилояти Гурлан тумани «Истиқлол» фермер хўжалиги раҳбари, Сенат аъзоси Бахтиёр Халимбетов, Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хо-тин-қизлар кўмитаси раиси Шахло Аҳорова, Олмалик кон-металлургия комбинатининг «Қолмақир» қони экскаваторчи-си, Ўзбекистон Қарамони Сай-дали Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов бошчилигидаги изчил ислохот-ларда қонун устуворлигини таъ-минлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатини муҳофа-за қилиш, замон талаби даражасида-ги меҳнат шариотларини яра-тишга алоҳида эътибор қарати-лаётганини таъкидлади.

Шунингдек, Курултойда таш-килий масалалар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош му-тахассиси Танзила Норбоева Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Шавкат Ибрагимов ЎзҚУФ Назорат-тафтиш комиссияси раислигига сайланди.


Курултой ЎзҚУФ кенгаши аъзоларини ҳам сайлади. Курултойда Ўзбекистон Рес-публикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Шу кунги ЎзҚУФ кенгаши-нинг биринчи ташкилий йиғи-лиши бўлиб ўтди. Унда Нормамат Аллаёров ва Ўзбек Мирж-ўраев ЎзҚУФ раиси ўринбо-сарлигига, Баҳодир Аҳоров Назорат-тафтиш комиссияси раиси ўринбосарлигига сай-ландилар. Шунингдек, Кенгаш йиғилишида ЎзҚУФ кенгаши раёсати аъзолари ҳам тасдиқ-ланди.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ, Ақмал ТОШЕВ, Шерзод АБДУСАМДОВ «Ishonch» мухбирлари

Ўзбекистон халқ ёзувчиси ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

Ўзбек адабиёти оғир жудодик-ка учради. Ўзбекистон халқ ёзув-чиси, атоқли адиб, таниқли жамо-ат арбоби Пиримқул Қодиров 82 ёшида вафот этди.



П.Қодиров 1928 йилнинг 26 ок-тябрида туғилди. 1951 йили Тош-кент давлат университети (ҳозир-ги Ўзбекистон Миллий универси-тети)нинг шарқшунослик факулте-тини тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1954 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси-да адабий маслаҳатчи сифатида бошлади. Кейинчалик кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт инсти-тутининг катта илмий ходими лавозимида хизмат қилди. 1990-2000 йилларда Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Фан ва маданият кўмитаси раисининг ўринбосари, кўмита раиси каби масъул вазифаларда ишлаб, юртимиз илм-фани, адабиёти ва маданияти ривожига салмоқ-ли хисса қўшди.

Ёрқин истеъдод эгаси бўлган П.Қодиров ўзининг қарийб олти-ми йиллик серкира ижодий фаолияти давомида муҳим ахлоқ-ий-маънавий мавзулардаги ўнлаб ҳикоя ва қиссалари, «Уч ил-диз», «Қора кўзлар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довоғи», «Ол-мос камар», «Она лочин видоси» каби романлари, «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари тарихий-маърифий китоблари билан адабиётимизда муносиб ва мустақам ўрин эгаллади. Ёзувчининг асарлари асосида қатор видеофильм ва спектакл-лар сахналаштирилди, унинг етук ижод намуналари кўплаб хо-рижий тилларга таржима қилинди.

П.Қодиров айниқса истиқлол йилларида фаол ижод қилди. Маҳоратли адибнинг халқимизнинг бой тарихи, буюк ақлдо-ларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, бебаҳо меросининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ёрқин асарлари, бунёдкор замондошлари-мизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги туб янгилишни ва ўзгаришлар жараёни ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жа-моатчиликнинг эътиборини қозонди.

П.Қодиров бир неча бор Олий Махлис депутатлигига сайла-ниб, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол ишти-рок этди, илм-фан ва маданият, миллий маънавиятимизни яна-да ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Тажрибали адиб, жонқур ташкилотчи сифатида халқимиз ўрта-сида миллий гоғамиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда сидқидил-дан меҳнат қилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-масида проза кенгаши раиси сифатида фаолият юритди. У кўплаб ёш истеъдод эгаларининг талабчан ва меҳрибон устози эди.

Пиримқул Қодировнинг Ўзбек адабиёти ва маданиятини ри-вожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан му-носиб тақдирланган. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» ва «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фах-рий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, шу-нингдек, «Эл-юрт ҳурмати» ва «Буюк хизматлари учун» орден-лари билан муқофотланган эди.

Атоқли адиб, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Пиримқул Қодировнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақ-ланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, А.РАСУЛОВ

Сўз — делегатларга

Бахтиёр ҲАЛИМБЕТОВ, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги «Истиқлол Самар» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси

Жамиятимизда касаба уюшмаларининг роли ортиб бормоқда. Ҳар бир фермер хўжалиги аъзо-си, албатта, касаба уюшмалари сафига кириб, ижтимоий-иқтисодий ҳимоядан фойдаланиши зар-рур.

Афсуски, айрим фермер хўжаликлари раҳбар-лари ишчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатилиш даврида меҳнат қонунчилигига риоя қилмасдан, касаба уюшмалари бошланғич ташкилоти тузиш-дек муҳим ишни пайсалга соляпти. Вақтинчалик ишга олиб, ойлик маош белгиланмай, натура ус-улида ҳақ тўлаш давом этмоқда. Бу эса ҳар томон-лама зарардир. Шунга эътиборга олган ҳолда, ЎзҚУФ ўқув марказида фермер хўжалиги раҳбар-ларини ҳам ўқитишни таклиф қилган булар эдим.

Бизнинг фермер хўжалигимиз 2006 йилда таш-кил этилган бўлиб, фаолиятимизни 26 гектар ерда деҳқончилик қилишдан бошлаган эдик. Фермер хўжалиklarининг оптималлашуви натижасида майдонимиз 117 гектарга кўпайди.

Хўжалигимизда 61 нафар доимий ишчи меҳнат қилади, улар билан меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, меҳнат дафтараҷалари очилган. Ишчилари-мизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш мақсадида хўжалигимизда касаба уюшмаси тузилиб, жамоа шартномаси қабул қилинган.

Оксана БЕЛОУСОВА, «Тошшаҳариссиқликэлектромаркази» очиқ акционерлик жамияти муҳандиси, касаба уюшма кўмитаси раиси

Корхонамизда 400 нафардан ортиқ киши меҳнат қи-лади. Ишчи-ҳодимларимизнинг 30 фоизи аёллардир. Жамоа шартномасида кўп фарзандли ишчилар ва бола тарбияси билан машғул оналарга қулай иш шариоти яратиш, кам таъминланган ҳамда ногирон фарзанди бор оилаларга ёрдам кўрсатиш каби тадбирларга алоҳида ўрин берил-ган. Шунингдек, «суюнчи» пули энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан белгиланган. Туртадан ортиқ воғга етмаган фарзанди бор аёлларга иш ҳақи қисқартирилма-ган ҳолда иш вақтини ҳафтага 1 соатга қисқартириш ташкил қилинган. 3 ёшгача бўлган бола тарбиялаётган оналарга эса корхона ҳисоби-дан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан моддий ёрдам берилди.

Ютуқларимиз билан бирга, айрим муаммолар ҳам учраб турибди: Биринчидан, иш ўринларини шаҳодатлаш қимматга тушаётганлиги боис (бир иш ўрни учун 90-100 сўм) уни ўтказиш, айниқса, имконияти чекланган ва кичик корхоналарга қийинчиликлар туғдиришмоқда. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш кунини олиш ҳуқуқига эга бўлган касб ҳамда лавозимлар рўйхати тасдиқланса, ат-тестациянинг ўрнига эса, меҳнат шариотини яхшилаш бўйича ўтказиладиган кей-инги тадбирларни белгилаш учун Ҷеҳлат ва бўлимлар бўйича меҳнат шариотини паспортлаштириш олиб борилса.

Иккинчидан, касаба уюшма кўмитасининг корхона ва ташкилотларда техник ин-спекторлар орқали меҳнати муҳофаза қилишни текшириш ҳуқуқини тиллашни таъ-сия қиламиз. Чунки улар шу соҳа мутахассислари эди ва иш ўринларида меҳнати-ни муҳофаза қилиш ишига сезиларли улуш қўшиб, бу масалаларда жамоат фао-лиятини фаоллаштирган эди.

Соғиндик НИЕТУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси раиси

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар ва ёшлар онгига маънавий қадрият-ларни сингдириш, фуқа-ролик фаоллигини оши-риш, кун талабига мос ян-гиланишлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаш-тириш бўйича кўпгина иш-

Сайдали РАҲМОНОВ, «Олмалик ТМК» ОАЖ «Қалмоққир» кон бошқармаси экскаватор машинисти, Ўзбекистон Қарамони

Жамоа шартномасида нафа-қат ишлаётган, балки қрсалик гаштини сураётган пенсионерла-рининг учун ҳам қатор имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Юртбошимизнинг «Бизнинг энг катта бойлигимиз — меҳнаткаш халқимиздир» деган сўзларини ўзига шиор қилиб олган комбинат раҳбарияти ва касаба уюшмаси кўмитаси ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлашти-риш соҳасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Кончи-метал-лурлар учун санаторий-профи-лакаторий, «Автомобилчи» ва «Мо-вий тоғлар» дам олиш уйлари, «Олтин олма» пансионати, «Дел-фин» пляжи хизматда бўлса, фар-зандларимиз саломатлигини тик-лаш ва дам олдириш учун «Ме-таллур» ва «Тонир» оромгоҳлари-да қулай шариот яратилган.

Жаҳонда иқтисодий инқироз давом этаётганлиги қарамадан

меҳнаткашларнинг фарзандларини Тошкент шаҳри ва вилоятда жойлашган сўлим оромгоҳларда дам оли-шини ташкил этиш аниёнага айланган ҳолда ўтган беш йилда жами 10750 нафар бола бепул соғломлашти-рилди.

Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаёт-ган бир пайтда Президентимиз ва ҳукуматимиз томо-нидан амалга оширилган самарали ишлар натижасида мамлакатимизда иқтисодий ўсиш юз бериб, аҳоли да-ромадларининг орттишига эришилди. Бу борада касаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган дастурларда ҳам мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар ва янгила-нишларга қўмақлашувчи тадбирлар ўрин эгаллаган.

Шахло АҲОРОВА, Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари

Шундай бир ривоят бор: қадимда бир шаҳзо-да тажрибали саркардани қаҳриб, ўзга юртини босиб олиш мақсадида ундан йил-йўрик сўраб-ди. Шунда саркарда ўша юртга ҳуфия юбориб, бир саволга жавоб топшиш лозимлигини айтибди. Жавобин олгач, саркарда шундай дебди: бу ерни босиб ололмайсиз, чунки бу юртда аёллар улгу-лар экан!

Демакки, аёли улгуларгаётган бизнинг юрти-мизни ҳам ҳеч ким энга олмайдди. Мамлакатимиз-да Президентимиз бошчилигида аёлларга, маъ-навий соҳасига, ёш авлод тарбиясига берил-аётган эътибор қалбимизни фаҳрга тўлдирди.

Бугун ҳаётнинг қайси жаҳасига қарамаган, юрт равнақига муносиб хисса қўшаётган матонатли хотин-қизларни учратасиз. Чекка туманимизда ка-саначиликни йўлга қўйиш, хотин-қизларимизни иш билан таъминлаш ма-сала-сига алоҳида аҳамият бераёلمиз. Масалан, Янгибодда адрас тўқиш йўлга қўйилди. Мақсадимиз: кўли гул чеварларимиз тайёрлаган Жиззах адраслари номи дунёга танилсин.

Қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли тўғарақлар, мах-сус тивувчилик курслари ташкил этилаётгани ижобий самара бераётди. Бу борада касаба уюшма ташкилотлари билан йўлга қўйилган мустақам ҳам-корликни алоҳида эътироф этиш лозим.

Касаба уюшма сихатгоҳларида

«ОЛТИНСОЙ»НИНГ

ОЛТИНСОЙ СУВИ

Ортимизда бетакрор файзу таровати, мафтункор табиати билан кўнгилларни ром этувчи манзиллар талайгина. Айниқса, тоғли худудлардаги сихатгоҳлар машҳур Ялта, Цхалтуба ёки Сочидаги дам олиш масканларини ёдга солади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси тасарруфидоги «Олтинсой» санаторийи ана шундай мўъжизакор манзиллардан бири.

Бундан ўн саккиз йил муқаддам хатирчиликлар она табиятнинг бебахо инъомига гувоҳ бўлишганди. Хушманзара Олтинсой қишлоғи худудига қарийб 160 метрлик чуқурликдан ҳарорати 65-70 даража иссиқ шифобахш сув отилиб чиқа бошлади. Сув таркиби мутахассислар томонидан ўрганилган, соғлиқни сақлаш тизимида 120 ўринлик физиотерапия бўлими ташкил этилганди.

2008 йилда эса мазкур худудда

Республика касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Олтинсой» санаторийи ишга туширилди. Икки қаватли, барча қулайликларга эга санаторийда муолажалар чоғида ҳароратли минерал сувдан фойдаланилади. Бу ҳақда санаторийнинг бош вақрач Обиджон Тўраев шундай дейди: — Даволаш учун ишлатиладиган маъданли сув кам минераллашган азотли, юқори ҳароратли, кремнийли, натрий сульфат-хлоридли, кучсиз ишқорий, юмшоқ сувлар туркумига кирди. Таркибида специфик компонентлар ва микроэлементлар ниҳоятда кўп. У юрак-қон томир, асаб, таянч-ҳаракат, эндокрин тизими, сийдик йўли, гинекологик ва тери касалликларида ванна кўришида тавсия қилинади. Ошқозон-ичак касалликларид

эса даволочи-ошхона суви сифатида қўлланиб келинмоқда. Санаторийда дам олувчиларга юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. Бу ерда ўндан ортик клиник-биохимик лаборатория, ЭКГ, УТТ текширувлари мунтазам ўтказиб борилади. Айниқса, физиотерапевтик муолажа усуллари, парафин-озокерит, укалш, фитотерапия, даволочи жисмоний тарбия, парҳез овқатлар иқлим омиллари билан биргаликда танангизга тезроқ қувват қайтишига ёрдам беради. Ана шундай қулайликлар, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунинг учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан 2 миллиард сўмдан ошиқ маблағ сарфланди.

Қисқа фурсат ичида қарийб 3 гектарлик сихатгоҳ ҳовлиси сўлим хиёбонга айлантирилган. Хона деразасидан ташқаридаги арчазор адирлар сари нигоҳ ташласангиз, беихтиёр ўзингизни Кавказ манзаралари ичига тушиб қолгандек ҳис этасиз. Таниқли халқ бахшиси Пўлкан шоир номидаги гўзал хиёбон ҳам эндиликда санаторий худуди билан бирлашиб, яхлитлик ҳосил қилган.

Бу масканга саломатлигини тиклаш мақсадида қўшни Бўхоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларидан ҳам кўплаб дам олувчилар келади.

— Ҳамдўстлик мамлакатларининг деярли барча машҳур санаторийларида бўлганман, — дейди масканда дам олаётган Самарқанд давлат университети доценти, математика фанлари номзоди Қудрат Аймазов. — «Олтинсой» яқиндаги шаршара, адирларга чирмашиб ўсаётган арчалар кўпроқ Ялтани эслатади. Танамда бироз чарчоқни ҳис эта бошлагандим. Бу ерда олган 13 кунлик муолажа давомида ҳорғинликдан асар ҳам қолмади.

Санаторий ва унинг оққўнғил ходимлари шаънига айтилаётган илқ фикрларни ҳар бир дам олувчидан эшитиш мумкин. Бу эса дилда ифтихор туйғуларини жўштиради.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ёрдамчи хўжалиқда нима гап?

Шўртан газ-кимё мажмуаси республикадаги энг йирик саноат корхоналаридан бири сифатида ўзига яраша мавқега эга. Бу ерда нефт-газ саноатини ривожлантириш билан бир қаторда инженер-техник мутахассислар ва ишчи-ҳодимларнинг эҳтиёжларини қондириш учун чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъсирга лойиқ.

Дастурхон тўкин, ходимлар мамнун



пахтакорлар давлатга 400 тоннага яқин «оқ олтин» сотдилар. Бултур пахтачиликдан 138 миллион сўмдан зиёд даромад олинган бўлса, жорий йилда бу рақам 160 миллион сўмдан ошади. Шуниси қувончлики, ёрдамчи хўжалиқда Қашқадарёда биринчи бўлиб, гўзани томчилаб суғориш тажрибаси қўлланиб,

Мажмуа тасарруфига 700 гектар ер ажратилиб, ушбу майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилипти. Яқинда сердаромад тармоқ — паррандачилик ҳам йўлга қўйилди. Икки гектар майдонда товуқчилик ҳечининг замонавий биноси қурилиб, сифатли ускуналар ўрнатилди.

52096 бош хўжа ва 45760 та товуқни сақлаш имкониятлари бўлган мажмуага Самарқанддаги «Мароканд» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 50 мингта зотдор товуқ келтирилди. Бу жониворлар 150 кунда тухумга қиради. Яқинда яна ўшанча миқдорда тез семирадиган хўжа олиб келиниб, гўшт учун парвартириш бошлаб юборилди. Бу паррандалар беш ойда 2,5-3 килограммга семиради. Шу тариқа ишчи ва мактаб ошоналари, болалар боғчалари арзон парҳез гўшт билан таъминланадиган бўлди. Энг муҳими, ҳақда 40 та иш ўрни очилиб, йигит-қизлар янги касбни ўзлаштириб олишди.

Мажмуанинг чорвачилик бўйича бош мутахассиси Раҳул Тўрақулнинг таъкидлашича, паррандачилик фермасида асосий иш жараёнлари компьютерлашган. Товуқларга ема, сув ва озқултими тўқилиши тўқилтирилган. Юқумли касалликларга қарши ветеринария хизмати йўлга қўйилган.

Корхона ёрдамчи хўжалиги келгусида вилоятдаги савдо тармоқларига ҳам таниқли маҳсулот етказиб беришни режалаштирган ҳолда фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, корхонада қишлоқ хўжалигининг пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик тармоқлари ҳам кенг ривожланмоқда. 75 гектар майдонда гўза ўстирган

яқши натижага эришилди. Олма, ўрик, анор, шафтоли, олча, олхўри каби дарахтлик маҳсулотлари 12 гектарли боғ келаси йили ҳосилга қиради. 2,6 гектар майдондаги тоқзорда хўсайни, маска, оқ кишиш, қора кишиш сингари серхосил ва ширали узум навлари етиштирилмоқда. 800 бош соғин сигирдан сут соғиб олиниб, болалар боғчалари, ошоналар, ишчи-хизматчиларга тарқатилади. Минг бош қорамолга мўлжалланган сут-товар комплекси барпо этилмоқда.

Минг бошдан зиёд қўй-қўзи, 800 бош тивит жунли берадиган ангор эчкиси парвартирилмоқда. Яна 1200 бош ангор эчкиси келтирилди. Бу йил ҳар гектар майдондан 50 центнердан галла етиштирилиб, давлатга 243 тонна ўрнига 492 тонна дон топширилди.

Ишчиларни қишда ҳам ёз неъматлари билан таъминлаш мақсадида 10 гектар майдонда сабзавот экинлари, картошка, ҳар хил қўқатлар, цитрус мевалар ўстирилипти. Ҳозирги пайтда корхона ёрдамчи хўжалиғида 170 киши меҳнат қилаётган бўлса, иш жараёни кенгайтириш ҳисобига ишчилар сонини 80 нафарга кўпайди.

Бир вақтлар қўш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган бепоев Нишон яйловларида бугун кенг пахтазорлар, серхосил галлазорлар, мевага тўла боғ-роғлар, ямғирли сабзавот ва полиз пайкаллари яшнаб турибди. Чорвачилик комплексида қўй-эчкилар, серсоғин сигирлар боқилляпти. Бу гигант корхона Шўртан газ-кимё мажмуасининг ёрдамчи хўжалиғидир.

ИЗЗАТ ҲИҚМАТОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш борасида Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатган.

Рўзгорга барака кирди

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларини барпо этиш натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойида 34 422 та янги иш ўрни яратилди. Бунда хусусий тадбиркорлик бўйича 5 953 нафар, уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш асосида 10 074 киши доимий ишга эга бўлди.

Тадбиркор Акмал Ўтавлининг бадиий безак билан шуғулланиши, Фаррух Маҳмудовнинг дурдодорлигини йўлга қўйиши учун касаба уюшма маблағи ҳисобидан 1 млн. сўм сарфланди.


Шунингдек, вилоятда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия сифатида қорамол берилди. Уларга меҳнат дафтарчаси очилди.

Янгиободлик Баҳринисо Абдуқодирова, Абдуваҳоб Эгамбердиев, форишлик Ойлар Жўраева, Мамадиёр Исмоилов, зоминлик Зилола Жўраева ҳамда Дилбар Фойибназаровага касаба уюшмалари маблағи ҳисобига бир бошдан бузоқли сизир олиб берилди.

— Утган йилнинг баҳори эди, — дея эслайди Зомин туманидаги С.Раҳимов номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Мавлуда Эшонқуллова. — Туман АСМ ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан оиламизга бузоқли соғин сизир берилди. Бу йил уларнинг сонини уч бошга етди. Касаба уюшмаларининг савовати сабаб рўзгоримизга барака кирди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Маҳаллийлаштириш дастури асосида



Андижон шаҳридаги «Idas elektroniks sistem» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар Асакадаги «GM Ўзбекистон» автомобил заводига етказиб берилмоқда. Юздан зиёд киши меҳнат қилаётган корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 156 минг плер, тўрт минг дона рақамли соат ишлаб чиқарилди. Суратда: оператор Акмал Сатторов. ШУХРАТ ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат

Сиз ёлғиз эмассиз

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг оилавий аҳоли, яшаш, ишлаш ва ўқиш шароитлари мунтазам ўрганиб борилади. Таҳлиллар ходимларимизнинг оилаларида турли касалликларга чалинган 7 дан 18 ёшгача бўлган мингдан ортик болалар борлигини кўрсатди ва улар касаба уюшмалари ҳимоясига олинди.

Ранг кўр — ҳол сўр

Тўққиз йилдири, уларни ҳимоялаш учун вилоят кенгаши нафақат маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, балки «Спешиал Олимпикс» халқаро ҳаракати билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда туман касаба уюшма ташкилотлари қошида спорт клублари ташкил қилиниб, уларда икки мингга яқин ногирон болалар учун доимий равишда машғулотлар, спорт мусобақалари, учрашувлар, экскурсиялар, маданий-оммавий тадбирлар уюштирилиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бири «Меҳр кўнглига пайванд» номи остида Рус маданият маркази билан ҳамкорликда Урганч шаҳридаги 24-санъат гимназиясида ўтказилди. Унда соҳа ходимларининг 60 дан зиёд имконияти

чекланган фарзандлари иштирок этди ва кенгаши номидан совғалар топширилди. Шунингдек, ушбу «Спешиал Олимпикс» халқаро ҳаракати ёрдамиде Богот туманидаги 1-умумтаълим мактаби ишчиси Ойсанам Қаландарованинг туғма ногирон фарзанди Рустамбой Нуруллаев ҳамда Хива шаҳридаги 9-умумтаълим мактаби фарроши Насиба Худойбергано-вининг қизи Шахло Худойбергановага ногиронлик аравачалари олиб берилди.

НОДИРА ОДАМБЕКОВА, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши бош мутахассиси

Назоратчининг сўзи — ишнинг кўзи

«Касаба уюшмаси қудратли бўлса, иш ўринлари мустақкам бўлади». Бу олтин қоида вилоят кенгашимиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Иш жараёнида юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хавфнинг олдини олиш, ишчи-ҳодимларга замон талаб ва эҳтиёжларига мос иш шароитларини яратиш касаба уюшма вилоят кенгашимизнинг доимий эътиборида. Ушбу мақсадга эришиш учун меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинган барча қонун, қарор, низоом ва йўриқномалар асосида тадбирлар ташкил этиб, ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб бораётимиз. Барча ташкилот, муассасаларда «Сугурта жамғармаси»ни ташкил этиб, ишчи-ҳодимларни бахтсиз

ҳодиса ҳамда касб касаллигини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини кучайтирганмиз. Яқинда соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли ташкилот ва муассасалар ходимларининг иш шароитини яхшилаш, меҳнатини муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникасини таъминлаш юзасидан семинар ўтказилди. Унда вилоят, шаҳар, туман тиббиёт муассасаларининг бош ҳаким ўринбосарлари, меҳнатни муҳофазаси қилиш муҳандислари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг меҳнат муҳофазаси бош мутахассиси Рустам Шокаримов иштирок этиб, келгусидаги вазифалар юзасидан маъруза қилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатни муҳофазаси қилиш ишларида йўналтирилган Низом ва йўриқнома бар-


ча масъул ходимларга тарқатилди. Шу кун меҳнат муҳофазасида жамоатчилик назоратини энг яқши ташкил этиш кўрик-танловида фаол қатнашган 7 нафар ходимга тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг фахрий ёрлик ва пул мукофотлари топширилди.

2010 йилнинг ўтган даврида 1200 нафардан ортик тиббиёт ходими меҳнат муҳофазаси бўйича шаҳодатланди. Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши мутахассислари томонидан 750 нафардан ортик қишлоқ врачлик пункти мудирини ва менежерлари меҳнатни муҳофазаси қилиш ва меҳнат қонунчилиги бўйича ўқитилди. Иш берувчилар хисо-

бидан 2,2 миллион сўмга 30 та «Меҳнат муҳофазаси бурчаги» ташкил этилди.

Президентимизнинг «Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини ижросини таъминлаш борасида вилоят соғлиқни сақлаш автокорхонасида автомашиналарни сақлаш ва таъмирлаш учун янги бокс ва 2 та айвон қурилди. Ушбу мақсадни амалга оширишга 16 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. «Тез тиббий ёрдам» ҳайдовчилари учун 22,2 миллион сўмлик махсус кийим-бош олиб берилди. Натижада, вилоят соғлиқни сақлаш автокорхонаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

УзқўФКнинг қарорига асосан икки йилда бир марта меҳнатни муҳофазаси қилиш жамоатчилик назоратини ташкил қилиш кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Жамоатчилик назоратини энг яқши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловида Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси ка-



саба уюшма қўмитаси раиси Нодир Қозоқов учинчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси меҳнатни муҳофазаси қилиш доимий комиссияси раиси Салоҳиддин Собиров вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг тармоқлараро кўрик-танловида фахрий ўринни олиб, пул мукофоти билан тақдирланди.

Хуллас, эзгу ишларимиз тармоқ ходимларига янада яхшироқ ва қулайроқ меҳнат шароитини яратиш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳар томонлама муҳофазалашга қаратилган. ШАВКАТ СУЛТОНОВ, Бўхоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси

Ишхонадаги икки кунлик кўнгилсизликлардан дили хира торган Носиржон шовилмай машинасига ўтирар экан, уйига ошқимди. Бирор, хотини Мохиранинг дийдиларидан кайфияти тушади.

«Уйга бориб ҳам нима қилардим? Мохиранинг дийдиеси ҳам жонга тегиб кетди. Нима бало, танглайини пул билан кўтаргани унинг? Мана турмуш қурганларига ҳам беш йил бўлибдики, пулнинг жанжали. Пул чиқарадиган заводим бормиди-ки, уни тилло тақинчоқларга кўми ташласам?! Яхшиси, бирор жойда овқатланиб, сал кўнглимни ёзсам...»

Шу хаёлда машинасини ўт олдириди.

Шу пайт ён эшик очилиб, ўзи билан ишлайдиган Ҳайдар ака: — Носиржон, сизга бир хизмат чиқиб қолди, келинимиз шифохонада эди. Бугун жавоб берган экан, уйимизгача ташлаб ўтсангиз. Келиннинг шифохонада кутиб ўтирибди, — деди.

— Хўп бўлади, Ҳайдар ака. Сиз айтасизу биз йўқ деймизми?! Утиринг, — дея машинани айтилган манзилга хайдади.

Шифохона дарвозасига етиб келгач, сигнал берди. Қоровул дарвозани очди.

Хотин-қизлар бўлимига кириб кетган Ҳайдар ака ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, ўрта ёшлардаги аёл ва...

Носиржон университетда ўқиб юрган кезлари олийгоҳ ансамблида қўйлар, қўшиқлари кўпчиликини ўзига ром этганди.

Талабалар узок туманларда пахта йигим-теримида қатнашар, уларнинг гуруҳи хафта-ўн кунда концерт уюштирарди. Шундай кунларнинг бирида Носиржон ўзига тикилиб, мароқ билан ашуласини тинглаётган қизга кўзи тушди. Одмигина кийинган, бошига ялтироқ дуррачани бежирим ўраб олган бу қиз эътиборини тортиди.

Қўшиқ тугади. Қарсақлар остида Носиржондан яна ва яна қўшиқ айтишини талаб қилишарди талабалар.

Хаёлини ўғирлаган ўша қизни яна бир кўриш илинжида саҳнага кўтарилган Носиржон аввалгидан-да жозибали овоз

билан қўшиқ куйлади: **Эшигининг олдида тўхтаб, Сув сўрадим, келтирдинг дарҳол. Қатра қўймай симирдим мақтаб, Хузур топдим ичган каби бол...**

Концерт тугаб, ҳамма тарқала бошлади. Лекин биргина Носиржон дуррачали ўша қизни яна кўриш умидида теваракка боқарди. Худди шу пайт бир гуруҳ теримчилар унинг ёнига ёпирилиб келишиб, кимдир ён дафтарчаси, кимдир китоб узатганича дастхат ёзиб беришини илтимос қила бошлади. Не кўз билан кўрсинки, улар орасида ўша қиз ҳам ийманибгина турарди.

Юрагида бир илиқ ҳаяжон билан у узатиб турган китобни олди-да, «Мен сизни ҳеч қачон унутмайман», деб ёзди. Негадир китобни қайтариб бергиси келмас, у билан бир оғиз бўлса-да гаплашиш умидида нима дейишни ўйларди. Ва ниҳоят, «Сиз Абдулла Қаҳҳорни яхши кўрасизми? «Синчалак» яхши китоб», деди.

— Ха, бу китобни ҳар сафар қўлимга олганимда, қайта-қайта ўқигим келаверади, — деди-ю, қиз дув қизариб кетди.

— Кечирасиз, исмингиз... — сўради Носиржон.

— Зебо.

Шу дастхат баҳона танишиб олишди. Автобусда шаҳарга қайтаётган Носиржоннинг хаёли паршон, кўз ўнгига ўша қизнинг ибодили чехраси намён бўлаверарди.

Эртасига раҳбаридан руҳсат олган Носиржон туманга жўнади. Вақт пешинга яқинлашган бўлса-да, талабалар пахта теришар, бир-бири билан ҳазил-мутуйиба қилишарди. Носиржон таниш чехрани ахтариб, юраги безовталанди. Бир пайт кўзлари Зебога тушиши билан отаси хўрозқанд олиб келган боладай қувониб, у томонга юрди.

— Хорманг, хорманг, — дея йўлма-йўл териб келган пахтасини узатди.

— Ассалому алайкум, келинг, — жавоб берди Зебо. Худди шу пайт нигоҳлар тўқнашди. Но-

сиржонни ҳаяжон босди. Уша учрашувдан бошланди ҳаммаси...

Ўқиш бошланиб, ҳар кунги учрашувлар уларни тобора яқинлаштиради, ўрталаридаги ришта маҳкамроқ боғлини борарди...

Эрта-индин ўқиш тугаб, ҳамма ҳар тарафга тарқаб кетишга яқин қолган. Олийгоҳ маъмурияти йўллангани қаерга бераркан, деган хаёлларга берилган Носиржон Зебо яшаётган талабалар ётоқхонасига келди. Ҳар галгидек, эшик оғаси вазифасидаги Норпошша холага бир донна шоколад узатиб, «ҳозир чиқаман», дея ичкари юрди.

«Бирор ерга чиқиб кетмаган-

тишаётганида Зебонинг билагидан секингина ушлаган Носиржон:

— Агар рози бўлсангиз, эртаиндин совчиларни юбораман, Зебохон, ўқишим ҳам тугай деб қолди.

Зебо бир нарса демай ерга боқди.

Сукут аломати ризо деб тушулган Носиржон эртасига отаси Қобил ака билан тоғаси Валижон ақани совчиликка жўнатди...

Совчилар сўраб-сўраб Қашқадарёнинг чекка бир қишлоғига бориб қолишди. Тупроқ йўлдан минг бир азоб билан манзилга етишди. Машинани

га совчи бўлиб, Ташкандан кепти. Нима деймиз? — деди Эшмурод ака.

Бошига таёқ теккандек қаловланиб қолган Мархабо «ўртоғингизнинг ўғлига ваъда қилгансиз-ку», деди.

Қобил ака билан Валижон ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, «лафимиз бор» деб мезбонлар узрини айтишди.

— Нима ҳам дердик, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Ҳали ҳам ўйлаб кўринлар, — дея тарвузи кўлтигидан тушиб қайтишди...

— Ўғлим, хафа бўлмагину, ишимиз битмади. Отаси олийгоҳда бирга ўқиган ўртоғига ваъда бериб қўйган экан. Кўнишмади... — деди отаси безовталаниб ўтирган Носиржонга.

— Узи қашқадарёликлар тўпори бўлади, дейишади. Агар шу гаплар рост бўлса, ёшларнинг кўнглига қараб ўтирмасдан, қизларини кўнглига ўтирган кишига бериб юборсалар керак-да, — мингирлади онаси.

— Одамларга кўрмасдан баҳо бермагин. Отаси билан онаси менга маъқул тушди. Самимий одамлар экан. Ўртоғига ваъда қилишган экан, ҳеч нарса деёлмадим. Майли, ўғлим, Зебохон билан яна бир гаплашиб кўрин...

Эртасига Зебонинг ётоқхонасига борди. Севгилиснинг юзигада гамгинлик, маъсуликни сезган Зебонинг юраги бирон нохушликни сезгандай шиг этди.

«Тинчликми?» дегандай тикилди.

Носиржон уф тортиди.

— Нимага жимсиз? Гапиринг, нима дейишди уйдагилар? — тоқати тоқ бўлди Зебонинг.

— Далангиз ўртоғига сўз бериб қўйган экан...

— Отам бир нарса дедими, айтганини қилади. Онам билан гаплашаман. Эртагаёқ йўлга тушаман. Ахир, ахир сергимиз завол топмаслиги керак-ку, йилга юборди Зебо. — Мен, мен бир матоҳмидимки, дуч келган одамга...

Ортиқ гапиролмай Носиржон-

нинг кўксига юзини босиб, тўйиб-тўйиб йиғлади...

Кунботарда уйига етиб келган Зебонинг юзлари сўлгин, кўзлари қизарган эди. «Вой, ўзим ўрғилай, келиб қолдингми, кизим!», дея онаси минг гирди-капалак бўлса-да, кўнглига ҳеч нарса сизмасди. Она ҳам унинг дардини билиб турса-да, қўлдан бир иш келмайдди. Эри — бир сўзи одам.

Кўча эшикдан кириб келган укалари Нурали ва Тушмуроднинг кўзи онасига тушиб, у томонга югуришди.

— Зебо опа, биласизми, анов кунни Ташкандан иккита совчи келди. Лекин отам кўнмади. Сизни Пулат акага берамиз, деди, — бидирлай кетди Хушмурод.

Укасида бу гапларни эшитар экан, юрагидаги охириги умид ришталари чирт этиб узилгандек, Носиржонни бошка кўролмайдигандек кўз олди тиниб борарди Зебонинг. Наҳотки, ҳаммаси туғган бўлса, ахду паймонлар, орзу-умидлар саробга айланса... Кўзида икки томчи ёш туриб қолган, қалби парчаланиб кетгандек эди гўё.

Дастурхонага фотиха тортилгач, ҳар ким ўз хонасига кириб кетди.

— Дадаси, қизимиз тушкун ахволда, — гап бошлади Мархабо опа. — Улар бир-бирига сўз беришган экан, тагин ўзини бир бало қилиб қўймасин.

— Зебо менинг тарбиямни олиб, тузимни еб катта бўлган бўлса, иккимизнинг бошимиз эгилмайди. Қолаверса, Ҳайдаржонга сўз берганман. Бу ҳақда оғзингни очма. Бундан кўра қизингга насаҳат қил.

Шу билан гап тамом дегандек, ўрнидан турган Элмурод ака молхона томон кетди.

Ҳама гапни даҳлизда туриб эшитиб, севган кишинини бутун умрга йўқотганини англаб етган Зебо ўқиб-ўқиб йиғлади...

Шифохонадан чиқиб келаятган келинчақ — Зебо, бир вақтлар азиз кишини бўлган Зебоси эди. Носиржоннинг қудогона гап кирмас, қаерга, нима мақсадда келгани бутунлай хаёлидан кўтарилган эди...

**Рўзимурод АРЗИЕВ,
Чироқчи тумани**

Зебо

(ҲИКОЯ)

микан», деган хаёлда эшикни секингина тақиллатди. Ичкаридан «киринг» деган таниш овоз эшитилди. Тортинибгина кириб, нонушта устидан чиқди.

— Келинг, Носиржон ака, қайнонангиз сизни яхши кўраркан. Ош қилиб тургандик, — деди Зебога нисбатан бўйи пастроқ дугонаси.

— Қайнонанинг ўзи йўқ-ку, қандай қилиб яхши кўрсин? — жилмайди Носиржон. — Зебохон, бугун дам олиш кунини бўлгани учун кичкинагина тақилф билан келгандим. Йўқ демасангизлар, учаламиз кинога борсак. Кўрганлар яхши кино экан, дейишапति.

— Йўқ-йўқ, қиладиган ишларим бор. Иккалангиз бемалол бориб келинглар, — деди дугонаси.

— Менинг ҳам унча-мунча ишларим бор эди. Қолаверса, яқинда сессия.

— Яхши кино дейишгани учун келгандим. Йўқ деманглар, — Носиржон ялингандек тикилди. Кино тугаб, бекат томон ке-

Зеболарнинг дарвозаси ёнида тўхтатишиб, эшикни очиларини билан баҳайбат ит вовуллаганча улар томонга югурди.

Уй олдида турган қирқ беш-эллик ёшлардаги киши «Олапар, жим», деганди, итлар ортига қайтишди. Мезбон уларга пешвоз чиқиб:

— Ассалому алайкум, келинлар. Қани, уйга марҳамат! — дея қўл узатди.

Оддийгина қишлоқ уйи. Қамши билан ёпилиб, сувоқ қилинган...

Зум ўтмай танишишиб, ўртадаги ўнгайсизлик йўқолгандай бўлди. Мезбоннинг исми Эшмурод экан...

Мақсадга ўтилгач, Эшмурод ака нима деярини билмай қолди. Сўнгра тўсатдан хаёлига келган фикрдан ўзини ўйглади.

— Ҳой, Мархабо, бу ёққа кел, — дея ташқарига овоз берди. Одмигина кийинган, ўрта бўй, қорачадан келган аёл йиманиш билан салом бериб кирди.

— Онаси, меҳмонлар қизинг-

— Одамларга кўрмасдан баҳо бермагин. Отаси билан онаси менга маъқул тушди. Самимий одамлар экан. Ўртоғига ваъда қилишган экан, ҳеч нарса деёлмадим. Майли, ўғлим, Зебохон билан яна бир гаплашиб кўрин...

Эртасига Зебонинг ётоқхонасига борди. Севгилиснинг юзигада гамгинлик, маъсуликни сезган Зебонинг юраги бирон нохушликни сезгандай шиг этди.

«Тинчликми?» дегандай тикилди.

Носиржон уф тортиди.


— Нимага жимсиз? Гапиринг, нима дейишди уйдагилар? — тоқати тоқ бўлди Зебонинг.

— Далангиз ўртоғига сўз бериб қўйган экан...

— Отам бир нарса дедими, айтганини қилади. Онам билан гаплашаман. Эртагаёқ йўлга тушаман. Ахир, ахир сергимиз завол топмаслиги керак-ку, йилга юборди Зебо. — Мен, мен бир матоҳмидимки, дуч келган одамга...

Ортиқ гапиролмай Носиржон-

«Бекободцемент» хиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси



Тармоқ ходимлари ва бунёдкор халқимизни Янги йил билан самимий қутлайди. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, ҳур Ўзбекистонимизни файзу барака тарқотмасин!

Касаба уюшма ёрдам қилди

Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг ходими **Назокат Отажонова** ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги ариза билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаат қилди. Аниқланишича, **Н.Отажонова** коллежда хазиначи вазифасида 1998 йилдан буён ишлаб келган. Коллеж директорининг 2010 йилнинг 30 январидagi 43-ШТ сонли буйруғига асосан жорий йилнинг 1 февралдан 31 майгача ўз аризасига асосан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилган. Хазиначи аризасида даволашни мақсадда таътилга чиқайтганлигини баён қилган.

Асоссиз буйруқ

Н.Отажонованинг Россияда даволашни эса 1 июнча тугамаган. Коллеж директори томонидан шу йил 10 июнда хат орқали Н.Отажоновага ишга чиқиш тақлиф қилинган. Бироқ хат ходимнинг қўлига етиб бормаган. Кейин директор билдирди билан коллеж касаба уюшма кўмитасига мурожаат қилиб, Н.Отажонова сабабсиз ишга чиқмаганлиги туфайли Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига розилик сўраган. Коллеж касаба уюшма кўмитаси иш берувчининг билдиргисига юзаки муносабатда бўлиб розилик бергач, директор буйруғига асосан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

2010 йилнинг 5 августда Н.Отажонова ариза билан коллеж маъмуриятига мурожаат қилади. У аризасида юқоридаги давр мобайнида даволашни мақсадда Россияда бўлганиги, ҳозирда ҳомиладорлигини билдириб, ишга қайтишга руҳсат сўрайди. Аммо маъмурият унинг талабини қондирмайди.

Орадан 4 кун ўтгач, Н.Отажонова вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ҳомиладорлигини тасдиқловчи Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг маълумотмасини тақдим этди. Маълумотномага кўра, унинг 26-27 ҳафталик ҳомиласи (7 ойлик) мавжудлиги аниқланган, рўйхатга олинган. Ушбу маълумотнома коллеж маъмуриятига ҳам етказилган.

Таъкидлаш жоизки, Меҳнат кодексининг 237-моддасига асосан ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Қонуний талабларга кўра, коллеж директорининг буйруғи асоссиз қабул қилинган дея ҳисобланди. Пировадига, Н.Отажонова ишга тикланиб, мажбурий проғул кунлари учун унга 587.726 сум пул ундириб берилди. Адолат қарор топганидан нафақат Н.Отажонова, балки унинг оила аъзолари ҳам вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан чексиз миннатдор.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Шўрчиликлар Хушбоқ ҳожи Гулмирзаевни шифокор сифатида билишарди. Замонанинг зайли билан унинг бошқа фазилатлари ҳам намён бўлди. У ер олиб, фермер сифатида ўзини кўрсатди. Пахта, галла тайёрлаш шартнома режалари ортиги билан уддаланди.

Ишбилармон шу билангина чекланиб қолмай, туманнинг икки жойида автомобилларга сувоқтирилган газ қуйиш шохбосчаси очди. 2006 йил Ташкентдаги «Аква» компаниясининг Шўрчи туман шохбосчасини ишга туширишда ўғлига кўмаклашди. Азамат ҳам отаси сингари шифокор. Республика юқумли касалликлар ва вирусология илмий-текшириш институтида илмий ходим вазифасида ишлайди. Тиббиёт фанлари номзоиди. Гарчи у Ташкентда яшаётган бўлса-да, Шўрчи аҳолисини ҳамда ташкилотларни «Аква» ромлари билан таъминлашда жонбозлик кўрсатаётти. Шифокор

Ота ўғли

бўлгани боис ҳомийлик ёрдами тариқасида туман шифохонасининг туғруқхона, шовишлин тез тиббий ёрдам маркази, жарроҳлик бўлимлари эшик-дераза ромларини алмаштириб берди. Шунингдек, яқинда ўз ҳисобидан «Тез тиббий ёрдам» автомашинаси сотиб олиб, туман тиббиёт бирлашмасига совға қилди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири**

Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Соҳа ходимларини ва бағрикенг
халқимизни кириб келаётган
Янги йил байрами билан чин
дилдан муборакбод этади.
2011 йилда қордек
оқ ниятлар амалга ошсин.
Жамият ҳаётини юксалтириш
йўлидаги ҳар бир иш
бароридан келсин!

Бунёдкор юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ,
оилавий хотиржамлик ва бахтли ҳаёт тилаймиз!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши

Бунёдкорликнинг барча
жабҳаларида матонат кўрсатиб,
катта муваффақиятларга
эришаётган фидойи халқимизни,
соҳа ходимларини Янги йил билан
муборакбод этади.
Халқимизга мустаҳкам соғлиқ,
ишларида омад, юртимизга
тинчлик, фаровонлик тилайди!



Наманган вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Барча
юртдошларимизни
ва соҳа
ходимларини
Янги йил билан
самимий
табриклайди.
Уларга сихат-
саломатлик,
бахту саодат
тилайди!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси

Мамлакатимиз фуқароларини Янги йил билан қизгин табриклайди. Ушбу қутлуғ кунларда ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди. Юртдошларимизни бошқарма тасарруфидида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлими гўзал, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга, замонавий жиҳозланган санаторийларимизда даволаниш ва дам олишга таклиф қиламиз!

Бошқарма тизимида 16 та санаторий мавжуд. Замон талаблари бўйича янада қулай шароитлар яратиш мақсадида жаҳон андозалари мезонига мос келадиган оилавий ва «Люкс» хоналар, коттежлар ташкил этилди. Шу билан бирга, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қисқа муддатли йўланмалар (курсовалар), кундузги катнаб даволаниш хоналари ташкил қилинди. Санаторийда ҳар йили Республикаимизнинг 68-70 минг нафардан зиёд меҳнаткашлари хордиқ чиқариб, саломатликларини тикламоқдалар.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг 4 та янги санаторий қуриб ишга туширилди ва 10 та санаторийнинг биноси капитал, 5 таси эса қайта таъмирланди. Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли, Хоразм вилоятида 110 ўринли «Хонка» санаторийлари қурилди, шунингдек, Тошкент вилоятида «Умид Гулшани» санаторийси қуриб ишга туширилди.

Санаторийларнинг 80 фоизи УТТ (ултраовуш) ва 70 фоизи компьютерли ЭКГ—таъхис қўйиш аппарат-

лари, 60 фоизи лазер нурларига оид даволаш анжомлари ҳамда бир нечта санаторийлар янги гастродифиброскоп ва ичаларни компьютерли ювиш ва бошқа ноёб зарур тиббий аппаратуралар билан таъминланди. Янгидан психолог, рефлексолог, магнито-, лазертерапия, инфракизил нурлари терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинган. Натижада, даволаш самардорлиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди.

Республикаимизда минерал сувларнинг барча шифобахш хусусиятини ўзида мужассамлаштирган бой гидроминерал ресурслар аниқланган. Чунинчи: «Чимён санаторийси» МЧЖдаги аҳоли саломатлигини тиклаш мақсадида қўлланилаётган сероводородли минерал сув ўзининг шифобахшлиги борасида Сочи курортида «Мацеста» билан бемалол беллаша олади. «Чортоқ санаторийси» ОАЖ ва «Хонка санаторийси» МЧЖлари минерал сувида эса йод ва бром микдори юқори бўлган сув, «Чинобод», «Турон» ОАЖ ҳамда «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи

Мохи Хоса», «Қашқадарё соҳили» ва «Косонсой санаторий» МЧЖларида «Саки», «Евпатория» курортларининг сувидан қолишмайдиган хлорид-гидрокарбонат натрийли маъданли сувлар топилган ва булар ошқозон-ичак тизими касалликларини даволашда ўз самарасини бермоқда. «Абу Али Ибн Сино санаторийси» МЧЖ ҳудудида «Пятигорск» санаторийси каби родонли сувлар борлиги аниқланган ва булар даволашда кенг ва самарали қўлланилмоқда.

Парафин-озокеритни қўллаб, иссиқ билан даволаш суяклар, бўғимлар, мускуллар, асаб тизими, оёқ ва қўл эзоли органлари ва гинекологик касалликларни комплекс даволашнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Бу даволаш усули барча 15 та санаторийларда ташкил қилиниб, кенг қўлланилмоқда.

Санаторийларда дам олувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга катта аҳамият берилди. Улар учун маданият саройлари, клублар, кутубхоналар, спорт майдончалари, биллард хоналар, чой-

хоналар, сауна хоналар хизмат кўрсатмоқда. Шу концертлар, ёзувчилар билан учрашувлар, зиёрат масканларига сафарлар уюштирилади.

«Турон» санаторийси юрак-қон томир касалликлари даволашга ихтисослашган.

«Чинобод» санаторийси асосан оёқ-қўл қилиш аъзолари касалликларини даволашга ихтисослашган, шу билан бирга эндокринология, гинекология, асаб тизими касалликлари ҳам даволанади.

«Замин» ва «Оқ-Тош» санаторийлари тоғ ён бағрларида жойлашган бўлиб, соф тоғ ҳавоси асосида нафас олиш аъзоларини даволашга ихтисослаштирилган. Аёлларимизга оналик кувончини бахш этиш мақсадида, аёл ва эркак бепуштлигини муваффақиятли даволаш учун гинекологик ва андрологик касалликларини даволашга ихтисослашган «Умид Гулшани» санаторийси ташкил қилинган. Бухородаги «Ситораи Мохи Хоса» санаторийси эса буйрак ва сийдик йўллари касалликларини даволашга мўлжалланган.

Касаба уюшма фаоллари

Қалби меҳрга тўла

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги вакили Эгамберди Қодиров номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.



У одамларни, ишини, яшаётган гўшасини севади, фарзандларини ардоқлайди. Белгиланган режаларини мукамал амалга оширишга ҳаракат қилади.

«Киши соғлом бўлса, ишида унум бўлади», деган ақидага амал қилган Эгамберди ака ҳар тонг югуради. Оғир атлетика унинг жону дили. Бўш вақтини спорт залида ўтказади.

«Уша кун ҳам одатдагидек стадион атрофида югуриш билан машғул эди. Ногаҳон қўлоғига йиғи овози эшитилди. Синчков Эгамберди ака овоз келатган тарафга қараб юрди. Қараса, икки-икки ярим ёшлардаги қизча йиллар, унинг бўйинига қозоқча кистирилган эди.

Эгамберди ака қизчани кўтариб олди. Табиийки, қозоқчани ҳам ўқиди. Унда қизчанинг исми-шарифи, туғилган йилидан ташқари куйидаги гаплар ёзилган эди:

«Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Хозир яна турмушга чиққанман ва бўлажак эрим қизимдан воз кечишни сўради. Уни ким асраб олса ҳам даввом йўқ».

Эгамберди ака қизчани уйига олиб келди ва вазиятни хотинига тушунтирди. Туман ички ишлар бўлимига учрашди, улар билан кўрсатилган манзилга борди ва қизнинг онасини топди. Бироқ она ўз фикрини ўзгартирмади. Шу тариқа Эгамберди аканинг учта қизи тўртта бўлди, фарзандлари сони олтига етди...

У касаба уюшма кўмитасида жамоатчилик асосида ишласада, ишига сидқидилдан муносабатда бўлади.

— Фақат байрамлар арафасида ёки бирон тадбирга маблағ керак бўлганда, касабақўм эканлиги ёдига тушадиган раисларимиз ҳам орамизда йўқ эмас, — дейди Эгамберди ака кўюниб. — Баъзи ташкилотларда касаба уюшма кўмиталари номигагина ишлайди ёки ўша корхона раҳбарига садоқатли ходим касабақўм этиб сайлаб қўйилади. Натижада, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга турли қулайликлар яратиш ишлари кўнгилдагидек кечмайди. Бозор иқтисодиёти, мулкчилик шакллари тубдан ўзгариши нодавлат секторида меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмалари олдида муҳим вазифаларни қўймоқда ва уни ҳал этишда янгича ёндашув талаб этилади.

Маълумки, ташкилот ва муассасаларда меҳнат унвондорлигининг ошиши ходимлар саломатлиги, кайфияти, улар учун яратилган иш шароитига боғлиқдир. Бу борада жамоа шартномаларида гап қўл.

Туман ҳокимлиги, молия бўлими, Халқ банки туман филиали, «Саноатқурилишбанк» Муборак филиали ва меҳнат бўлими каби тармоқдаги корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари муҳокамаси юксак ташкилотчилик билан, қизгин баҳс ва мунозаралар асосида ўтди. Айниқса, оддий ходимлар унда фаол иштирок этди. Ҳам маъмурият, ҳам касаба уюшма вакиллари олинган мажбуриятлар учун масъулликни ҳис этиб, ҳамжихатликда иш олиб бормоқдалар.

Э.Қодиров жорий йилда қилинган ишлар ҳамда қилини-

ши лозим бўлган режалар ҳақида сўз юритди. Фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларнинг юбилей саналарини нишонлаш, кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида тўхтади. Шунингдек, 2011 йилнинг Юртбошимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинганини кўвонч билан таъкидлади. Шу ўринда қаҳрамонимизнинг Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят бошқармасига қарашли Муборак туман «Ахборот-маслаҳат маркази» унитар корхонаси раҳбари сифатида ҳам фаолият юритаётганини айтиб ўтиш лозим.

Эгамберди аканинг ЎзДЖТУ, ТДТУ ҳамда юридик институтда таъхил олгани кенг қамровли ишда қўл келаяпти.

У тумандаги қўллаб ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашда кўмаклашиб, ўз маслаҳатларини бериб келаяпти.

— 2005 йилдан ҳозиргача ўн бир март Хитойга бориб келдим, — дейди у. — Тадбиркорларимиз билан хоризж технологияси кўргазмаларида қатнашдик. Юртимизга ишлаб чиқариш ускуналари олиб келдик. Муборакдаги «Пресс-ТИЖ», «Саратон», «Грант-эллада» МЧЖ каби корхоналарнинг намуналий фаолияти мени кўвонтиради. «Пресс-ТИЖ» кичик корхонаси қисқа вақт ичида ўзининг савдо дўконига, меҳнат ишлаб чиқариш цехига, замонавий меҳмонхона, гўзаллик саломи, интернет-кафе, рақс мактаби ҳамда спорт залига эга бўлди. Тадбиркорларимиз фаолиятидаги бу каби ўсишлар ишимизга янада ғайрат бағишлаши, шубҳасиз.

Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Л. Алиқулова вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси номига ариза билан мурожаат этди. Унда Халқ банки Қашқадарё вилоят филиали амалиёт бўлимида ишлаб, тагуш таътилига чиққанлиги ва боласи икки ёшга кирганида банк раҳбарияти унга аввалги ишини бермаётганлиги баён қилинган эди.

Ишончли дўст ва сўянч

Ариза Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Қашқадарё вилоят вакилиги мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. Вакиллик фаолиятида бу каби мисолларни қўллаб келтириш мумкин. 16738 нафар аъзоси бор мазкур уюшма 194 та ташкилот ва муассаса ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

— Жорий йилнинг саккиз ойида вакилликка 19 та ёзма ва 33 та оғзаки мурожаат қилиниб, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди, — дейди биз билан суҳбатда Марказий кенгашнинг вилоятдаги вакили Олтибой Эгамбердиев. — Учта ҳолат юзасидан Фуқаролик судига даъво аризаси киритилиб, масалалар ижобий ечим топди.

Фуқароларимиз касаба уюшма афзалликларини тобора кенгроқ ва теранроқ ҳис этаётгани боис, аъзоларимиз сони

ошмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида вакилликимизга олтинта ташкилот аъзо бўлди ва 331 нафар ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. 274 та ижтимоий муҳофазатга муҳтож ёш оилалар вакиллари жами 5 миллион 900 минг сўмлик, жумладан, 39 та корхона ва муассаса ҳамда касаба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртлирида шартнома асосида тахсил олаётган тўрт нафар талабага корхоналар ҳисобидан 3200 минг сўм тўлаб берилди.

Ёзи соғломлаштириш мавсумида тармоқ ходимлари фарзандларидан 1040 нафари оромгоҳларда мазмунли хордиқ чикарди.

Вакиллик тизимидаги корхона ва муассасаларда ишловчи хо-

димларнинг соғлиқларини тиклаш учун 50 дона йўлланма ажратилди. Албатта, бу етарли эмас. Шу боис, ходимларни дам олдириш масаласини жамоа шартномасига киритиш, корхона ва муассасалар ҳисобидан йўлланмалар сонини янада кўпайтириш чоралари қўрилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида тармоқда қарашли туман кенгашлари, ташкилот ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кам таъминланган ва кўп болали оилалар, Мурувват ва Меҳрибонлик уйлари, Яқкабоғ туманидаги «Саховат» уйи ҳамда Шаҳрисабздаги аёллар уйига жами 3 миллион 430 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби ижтимоий ҳимоя тадбирлари Конституцияимиз қабул қилинганининг 18 йиллиги арафасида ҳам давом эттирилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

**Бунёдкор халқимизни
Янги йил билан кутлайди.**

**Барчага сиҳат—
саломатлик, узок умр,
ойлавий хотиржамлик,
юртимизга тинчлик
ва омонлик тилайди.**

**Баркамол авлод, соғлом миллат камолоти йўлидаги
ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!**

«**Чортоқ санаторийси**»

**очик турдаги акционерлик
жамияти маъмурияти ва касаба
уюшма кўмитаси**

**Тармоқ ходимлари ва барча
фуқароларни Янги йил билан чин
дилдан табриклайди ва ушбу
сиҳаттоҳда дам олиб, даволанишга
таклиф этади.**

Санаторий Наманган шаҳридан 25 километр масофада Чортоқсой дарёси ёқасида, Чотқол тоғ-адирларида, денгиз сатҳидан 650 м. баландликда жойлашган балнеологик ва иклимий курортдир.

Бу ерда юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш ва ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ҳамда тери касалликлари билан оғриган беморлар учун шифобахш табиий омиллар мавжуд бўлиб, йод, бромли ва кўллаб минералларга бой бўлган сувлар ичиш ва

ванналар бериш учун қўлланилади. Шифобахш балчик аппликация ва галвано-балчик усулида бериллади. Уткир миокард инфарктини бошидан кечирган беморларнинг соғлигини тиклаш учун реабилитация бўлими фаолият кўрсатади.

Замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари ёрдамида физиотерапия, лазер, сув билан даволаш усуллари қўлланилади. Бадан тарбияси, уқалаш, психотерапия, фитобар ва парhez овқатлар Сизнинг соғлигингизни тиклаш учун

хизмат қилади.

Ётоқ бинолари барча қулайликларга эга бўлган бир ва икки хоналардан иборат.

Маданият саройи, кутубхона, турли спорт майдончалари, сартарошхона, алоқа бўлими сизнинг хизматингизда. Турли хилдаги саёхат ва экскурсиялар уюштирилади.

Санаторийимизга хуш келибсиз!

Манзил: Наманган вилояти,

Чортоқ тумани.

Телефон: 8(369) 4121028,

4126444.

Ўзбек — азал-азалдан болажон халқ, Фарзандини одамларга нафи тегадиган, билимли, соғлом ва албатта, бахтли бўлишини истамаган ота-она бўлмаса керак. Ота-онанинг соғлом ҳаёт тарзига бўлган интилиши, ҳаракати, ўз навбатида, уларга ҳар соҳада тақлид қилувчи болаларга таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу хайрли занжир авлодлар ўртасида қанчалар муштаҳкам тортиلسа, шунчалик фойдали.

Бир зум бола бўлинг

Куни кеча Чирчиқ шаҳрида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Отам, онам ва мен — спортсевар оила» шиори остида Республика миқёсида ўтказилган оилавий мусобақаларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 40 нафарга яқин вакил иштирок этди. Ота-она ва фарзанддан ташкил топган ўн уч оилавий жамоа 6 шарт (тўпни саватга ташлаш, дарвозага тўп кириштириш, югуриш, кегелбан, арқон тортиш, узунликка сакраш) бўйича ўтказилган баҳсларда куч синаб кўришди.



одамга ҳам таъсир этади. Айниқса, отаси ёки онасини мағлуб ҳолда кўришни истамаган болакайларнинг қичқиришлари бир кўрсангиз эди! Боланинг мурғаккина, соддагина юрагидан отилиб чиқадиган шодонлик, кайноқ тафтини ҳис этиш барибир ёқимли.

Касаба уюшма спорти

— Тўғриси, бошида бу мусобақаларда қатнашни ортиқча ташвиш деб ўйлагандим, — дейди Жиззах вилояти вакили, бир оиланинг бош-

дан келган юртдошларимиз билан танишдик, гурунглашдик.

— Бундай мусобақалар одамларни бир-бирига яқинлаштиради, бирдамлигини муштаҳамлайди, — дейди Тошкент шаҳри вакили Наталя Машенко. — Айниқса, болаларимиз жудаям хурсанд. Ота-она фарзандига ўрнак бўла олса, у ўз идеалларини кўчадан, телевизор ёки интернетдан изламайди. Мусобақалар берган қувонч ва тетиклигини ўзи ҳар қандай муқофотдан устун. Бундай мусобақаларни ташкил этгани учун оиламиз номидан ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман.

Якуний ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент вилоятидан келган Карниловлар оиласи биринчи, қашқадарёлик Яғмуровлар оиласи иккинчи, Наманган вилояти шарафини ҳимоя қилган Аббасовлар оиласи учинчи ўринни кўлга киритди. Ғолибларга диплом ва эсдалик соғвалари топширилди.

Тақдирлаш маросимида ўрин тегмаган бошқа иштирокчиларга шунча зехн солиб қарадим ҳамки, бирорта кайфияти тушган оилани кўрмадим. Барча бирдай хурсанд. Зеро, бундай мусобақаларда ўринлар ўта нисбий аҳамият касб этади. Асосийси — иштирок, муҳими — оиланинг соғломлиги.

Аҳдам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХАСАНОВ
олган сурат

Ажойиб дунё!

Табобатнинг минг биринчи сири

Ҳаётда бўлиб турадиган ажойиботлар кишини баъзан мушоҳадага чорласа, гоҳида хайратда қолдиради. Ана шундайлардан бири болалигимда эшитганим мазкур воқеа, аҳтимомки, табобат илмида ҳали ўрганилмаган жиҳатлардан бири бўлса не ажаб!



Онамнинг айтишича, уларнинг қариндоши бўлиши Ойша хола турмуш ўртоғи билан аҳил умр кечирган. Ҳаёти давомида эрининг измидан сира чиқмаган муштира аёл бўлган экан. Бир кун хонадонларига меҳмон келадиган бўлибди-ю, хола дастурхон тадоригини кўра бошлабди. Оқшомнинг кўкимтир пардаси кукка ёйилганда қутилган меҳмонлар кириб келишибди. Меҳмоннинг аёли хаста бўлиб, бўқокдан азоб чекиши ишиб кетган томоғидан шундоқ билиниб тураркан. Меҳмонлар суҳбат билан андармон бўлганда хола ўчоқ бошида палов тайёрлаш ҳаракатига тушибди. Уша пайтларда ҳозиргидек шароитлар, ёруғ лампалар қаёқда, дейсиз. Хола қоронғуда қўлида чироқ билан куймаланиб, таомнинг зирвасини тайёрлаб қўйиб, айвон суқасида гурунглашаётган меҳмонлар олдида кетибди. Бир пайт келиб қараса, ошнинг зирваси ўз-ўзидан кўлайиб, гўштлари ортиб, ёғлари овқат устида лиммо-лим бўлиб қайнаётганимиш. Хола хайрон бўлиб қапқир билан қавлай-қавлай хира чироқ ёғдусида таомга сиңкилаб назар солибди. Не кўз билан кўрсинки, катта кўлвор илон пишавериб, бўлак-бўлак бўлиб кетганмиш. Хола нимани қиларини билмай, қаловланиб қолибди. Зирвани тўкиб, ошни бошқатдан бошлай деса, тун кириб келяпти, улгурмайди, тўкмай деса, эрининг қовоғидан кўрқадди. Меҳмонлар олдида шувит бўлиш ҳам яхшимас. Ўйлабди қолган хола чора тополмай илон гўштларини қозондан олиб ташлаб, нима бўлса бўлар деб ошни дамбабди...

Дастурхонга тортилган палов ҳар қачонгидан ҳам ширин ва хуштаъм бўлиб, меҳмонлар уни мактай-мактай тановул қилишибди. Лекин хола овқатга қўл ҳам узатмабди. Бир чолига, бир ўтирганларга жавдираб, дастурхонга фотиҳа тортилгунча қўл устида ўтиргандек ҳис этибди ўзини.

Кечки меҳмондорчилик тугагандан сўнг ўринлар солиниб, меҳмонлар уйғуга кетибди. Хола ҳам минг хавотирда жойига чўзилибди.

Кўёш уфқдан бош кўтариб, ҳамма нонуштага ўтиришган пайтда бундай қарашса, меҳмоннинг аёли бўйнидаги бўқокдан асар ҳам қолмаганмиш. Эр ва аёл хурсанд бўлиб, холага юзланиб сўрашибди.

— Ойшахон, кеча таомингиз жуда мазали бўлган экан, аммо роса чанқатди, кечаси билан чой ичиб чиқдик. Мана бугун бўйнимдаги дарад йўқолиб, соғ бўлиб кўз очдим. Олдингидек нафас сиқашлари, оғир хансирашлар йўқ, айтинг, кеча бизга ошга қўшиб нима бергандингиз? Нимадан шу даражада дарддан фориг бўлдим, — деб сўрабди аёл.

Бироқ хола ҳеч нарса деёлмабди. Ошдан бўлак нарса йўқ эди, дейиш билан кифояланибди. Ойша хола эридан хайкиби, бу сирни бир умр ҳеч кимга айтмай, йиллар ўтганда бир учрашувда оналарга сўзлаб берган эканлар.

Кизиқиб, айрим табобатчилардан ҳам сўраб кўрдим. Улар илон гўштининг фойдали томонлари, ошқозон, ичак органлари касалликларига дарддош эканлигини, иссиқ миждошларга беришда ундан аҳтиёткор бўлиш зарурлигини, умуман халқ тили билан айтганда «Минг дардга шифо» эканлигини таъкидлашди-ю, ҳалиги мени қизиқтирган масала юзасидан чурқ эттишмади. Мен эса ҳамон ўйлайман: умрида оила кўронидан, эрининг йўригидан четга чиқмаган холанинг ўтмишида юз берган бу ҳодиса унинг таваққалига иш тутганиданмикин ёки...

Наргиза АСАДОВА

Диққат: Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Йўл қоидаси — умр фойдаси

Дарҳақиқат, биргина аҳтиётсизлик ва бепарволик кўплаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Республика Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан жорий йилнинг 15 декабрдан 2011 йилнинг 15 январигача юртимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги деб эълон қилиниши ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Республикада ойлик доирасида ҳаракат хавфсизлигини жойларда қарор топтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида тушунириш ишларини олиб бориш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида тўғри бажаришга хизмат қилади.

Йўл транспорт ҳодисалари содир этилиши мумкин бўлган ҳолатларни бартараф эттиш, кунига минглаб йўловчиларни манзилларга етказадиган автоуловларнинг техник тайёргарлигини яхшилаш, шунингдек, ўқув юрталарида таълим олаётган, ҳайдовчилар тайёр-

лаш курсларида ўқиётган ёшларни йўл қоидаси билан яқиндан таништириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ўз самарасини беради, шубҳасиз.

Олиб борилаётган тадбирларда ички ишлар ходимларидан ташқари қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Тадбирларда хусусий автотранспорт қоронгаларига оғоҳлик ва ҳушёрликни ошириш ҳамда ҳайдовчиларнинг ҳаракат хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида зарур тавсиялар бериш кўзда тутилган.

— Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги мунтазам равишда республикамиз миқёсида ўтказилиб келинади, — дейди Республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бoshқармаси матбуот хизмати бошлиғи, подполковник Анвар Сулаймонхўжаев. — Биз, албатта, ҳамкор

ташкilotлар, жумладан, таълим-тарбия муассасалари, маҳалла ва турли ташкilot мутасаддилари билан биргаликда қўрилайётган изчил чора-тадбирлар ўз натижасини беришига умид боғламоқдамиз. Айтиш жоизки, юртимизда йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилнинг шу вақтига қараганда саккиз фоиз камайди. Хусусан, ёш болаларнинг таълим-тарбия масканларига кўнгилсиз ҳодисаларсиз бориб келишларини кўзлаб «Таътил», «Диққат, пидеда!», «Яшил чироқ» каби мусобақалар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, ойлик давомида йўл ҳаракати қоидаларини бўйича амалий машғулотлар ўтказилган, йўл қоидаларини эслатиб турадиган автошаҳарчалар ҳам тарғибот ишларимизда қўл келади, албатта.

Н. АСАДУЛЛАЕВА

Огоҳ бўлайлик

Тасаввур қилинг, ишдан ҳориб уйга келдингиз. Чарқокдан болаларнинг шовқини ҳам қўлогингизга ёқмаяпти. Ёки тинмай йиғлаётган жажжигина чақалоқни онаси эндигина бешикка белаб, ухлатди. Аммо шу пайт уйингиз атрофида қайсидир бетайин кимса томонидан улоқтирилган пақилдоқ овози гўмбирлади...

Пақилдоқ... ўйинчоқ эмас

Дарвоқе, мазкур манзарага кимдир шунчаки беписандлик билан қарар. Бироқ бу қалбда иймони бор, виждони уйғоқ кишиларнинг нафакат асаб торларини чертади, балки маънавиятсиз кимсаларга нисбатан нафратини оширади.

Сир эмас, сўнги пайтларда қўшни давлатларда ишлаб чиқарилган пиротехника воситалари нафакат болажонларимизнинг, балки ўсимир ва ҳатто катталарнинг хордиқ чиқарувчи овунчоғига айланди. Бунинг оқибатида эса қанчадан-қанча ҳамюртларимиз майиб-мажруҳ бўлмоқда.

Тахлиллар эса кейинги йилларда асосан маиший мақсадлардаги пиротехника буюмларининг муомаласи кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда. «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солинishi муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, ушбу турдаги воситаларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиниш, жўнатиш ва сотиш, республика ҳудудига олиб кириш ва ташқарига чиқариш маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка бўлган чоралар қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Пиротехника воситаларини ноқонуний равишда савдога қўйиб, мўмай даромад олишни кўзлаб юрган фуқаролар эса, афсуски, ҳамон ўчраб турибди. Поп шаҳар, Охунбобоев кўчасида яшовчи фуқаро Д.Мирзаева ҳам ана шундайлар тоифасидан экан. Унинг 110 дона пиротехника воситалари, спиртли ичимликлар ҳамда тамаки маҳсулотларини савдога қўйганлиги аниқланиб, унга нисбатан текшириш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Мухторхон МАМАРАҲИМОВ,
Поп туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳар вакиллиги

Тармоқ ходимларини Энергетиклар куни ҳамда яқинлашиб келаётган Янги йил билан самимий қутлайди.

Хонадонларимизни Чароғон қилаётган нурчиларга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт тилайди.

Insonga naf keltirish
oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Normamat AIIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysulmuf NAFISOVA,
Pirimqul QADIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T.Sherneyev
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhirlar:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdullatipov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.
Korxonalar manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.

h - Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.00

Buyurtma G — 1151
11200 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
1 2 3 4 5